



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 4 декабрь, № 249 (7207) • Сешанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ — АСОСИЙ МЕЗОН



### Президент ташрифидан сўнг

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи доирасида жойлардаги учрашувлар, самимий мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдимотларида билдирган фикрларини юртдошларимиз катта қизиқиш билан кузатиб борди. Давлатимиз раҳбари томонидан, айниқса, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида илгари сурилган тақлифлар ва белгилаб берилган устувор вазифалар аҳоли томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди.

### Хоразм вилоятида жорий йилда:

**312 та** инвестиция лойиҳаси бажарилиб, янги корхоналар ташкил этилди.

**100 та** давлат ва хусусий мақабгача таълим муассасаси ташкил қилинди.

**254 километр электр, 456 километр сув тармоқларида** қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

**27 та** «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида аҳоли пунктида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

### Йил дастури ИЖРОСИ — АМАЛДА

## Ўзбекистон жаҳоннинг 50 та илгор мамлакати қаторига кириши учун амалий саъй-ҳаракатлар бошланди

Президентимизнинг 2018 йил 4 июлдаги қарори асосида давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари тузилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ҳам шундай кенгаш жадал фаолиятга киришди.

Кенгаш раиси, Мирзо Улуғбек халқаро фонди раҳбари Оқил Салимов бошқарган йиғилишларда тизим фаолиятини янада юксалтириш, фуқароларга яқиндан кўмаклашиш, инновацион лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва бошқа муҳим йўналишлар кўриб чиқишда. Шу маънода, вазирлик ўтган қисқа муддат ичида фуқароларимиз учун очик давлат органига айланди. Жумладан, вазирлик ўз фаолияти тўғрисида ОАВ, веб-сайтлар орқали муҳим маълумотлар олиш имкониятини яратиб берди. Қолаверса, «Илм-фан ва инновацион ривожланиш» ҳамда «XXI asr texnologiyalari» журналлари чоп этилиб, уларда тизим фаолиятига доир энг долзарб ва қизиқарли маълумотлар тақдим этиб борилди.

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси, уни амалга ошириш бўйича «Йул харитаси», 2030 йилгача инновацион ривожланишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Шу асосда ҳар уч йилда бир

маротаба Ўзбекистон Республикасининг Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда «Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танлови ўтказилади. Шунингдек, ёшларнинг илм-фанга қизиқишини ошириш, улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ижтимоий-гуманитар, табиий ва техник, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги фан йўналишлари бўйича «Еш олим» республика танловини ўтказиш йўлга қўйилди.

Инновацион гоғлар ва технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ҳамда уларни янада ривожлантиришнинг мақсадида вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фан тўғрисида»ги, «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди.

### Италия матбуоти:

## «Марказий Осиёда ҳеч қачон бугунги кундагидек яқин ҳамкорлик муносабатлари кузатилмаган»

Римдаги нуфузли «EastWest Magazine» ахборот-таҳлилий журналининг навбатдаги сонига Ўзбекистонда олиб борилган ташқи сиёсат ва бунинг натижасида Марказий Осиёга ижобий таъсир кўрсатаётган ўзгаришларга бағишланган мақола чоп этилди.

### Дунё нигоҳи

Материалда таъкидланишича, яқин-яқингача минтақада «casus belli», яъни можароларга сабаб бўлиш эҳтимоли бор муаммолар нисбатан кўп эди. Сув, энергетика ва чегаралар билан боғлиқ масалалар бунга мисол сифатида келтириб ўтилади. Аммо расмий Тошкентнинг янги ташқи сиёсати туфайли муаммолар ҳамкорлик учун муҳим элементга айланди.

Марказий Осиёда сув-энергетика масалаларининг ҳал қилиниши, «EastWest Magazine» шарҳловчиларининг фикрича, ўзбек дипломатияси эришган энг катта ютуқлардан бири ва умуман, халқаро дипломатия тарихида оқилона муроसाга эришишнинг юқори даражаси сифатида қолади.

«Сўнгги йигирма йил мобайнида сув ресурслари ва Тожикистонда қурилатган гидроэлектростанция туфайли минтақада кескинлик изчил тарзда ўсиб борди. Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши билан расмий Тошкент ва Душанбе ҳамкорлик томон муҳим қадамлар ташлади... Икки

мамлакат алоқалари мисли кўрилмаган даражада яхшиланиб, ўзбек компаниялари қўшни давлатда объектлар қурилишида иштирок этиши маълум бўлди».



Марказий Осиёда ҳеч қачон бугунги кундагидек яқин ҳамкорлик муносабатлари кузатилмаган, деб ёзилди журналда. Ушбу муҳимнинг шаклланиши Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари натижаси бўлди. Чегараларнинг очилиши, қўшни давлатлар билан ҳаво, автомобиль ва темир йўл қатновининг йўлга қўйилиши, ўзаро савдо-сотиқнинг ирродиси ва фаол позицияси туфайли реалликка айланди.

«Катъий сиёсий ирода мавжуд бўлса, ҳатто энг қалтис масалаларни

ҳам ўзаро манфаатли тарзда ҳал қилиб, конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин. Ўзбекистон бунинг исботлари».

Афғонистон йўналишида ҳам катта бурилиш юз бериб, жиддий ютуқларга эришилди, дейди италиялик журналистлар. Бу борада икки тенденция кузатилаётди. Биринчидан, узоқ йиллардан буён уруш ва террордан боши чиқмай келган Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун реал имконият пайдо бўлди. Иккинчидан, ушбу имконият Ўзбекистон амалга ошираётган дипломатик саъй-ҳаракатлар туфайли юзага келди.

Жорий йилнинг март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича бўлиб ўтган юқори даражадаги халқаро конференция, мақола муаллифларининг қайд этишича, халқаро ҳамжамиятнинг ушбу можаро юзасидан яқин позициясини ишлаб чиқиш ҳамда турли давлатлар ва ташкилотлар томонидан қабул қилинган дастурларни мувофиқлаштириш учун шароит яратди. «Тошкент конференцияси Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида асосий ўрин тутаётганини яна бир бор кўрсатди».

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») таъйрлади.

### БИЗ ва ЖАҲОН

## Корея Республикаси билан муносабатларимиз

### яна қайси йўналишларда ривожланади?

Келгуси йилда юртимизга Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг илк ташрифи кутилмоқда. Мазкур муҳим воқеликка тайёргарлик кўриш жараёнида икки мамлакатнинг «ақл марказлари» узоқ муддатли алоқаларни фаоллаштириш бўйича қатор чора-тадбирларни олиб боради.

Бу ҳақда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Корея Республикаси: келажакка назар» мавзусидаги анжуманда маълум қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Корея Республикасининг Ханъян университети ҳузуридаги Осиё — Тинч океани тадқиқотлари маркази ҳамда икки мамлакатнинг ташқи алоқалар бўйича мутахассислари иштирок этди.

Семинарда таҳлилчилар иқтисодий, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, логистика ҳамда инфратузилма, атроф-муҳит

ва технологиялар соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодий шерикларидан бири экани қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилга бир миллиард доллардан ошди. Бу Корея Республикасининг Марказий Осиё мамлакатлари билан йўлга қўйган савдосининг қарийб 50 фоизини ташкил этади. Шу пайтгача Жанубий Корея сармоясининг ҳажми етти миллиард доллардан ортди.

Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир Норовнинг фикрича, Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шерикликнинг юқори даражаси мутахассисларни икки томонлама муносабатларини янада кенгайтириш учун янги, катта мақсадлар ва вазифаларни кўзда тутадиган имкониятларни ишлашга ундайди.

### Австриялик тадбиркорлар:

## «Кейинги манзил — ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ»



Ўзбекистонда сўнгги икки йилда рўй берган кенг қўламли ислохотлар жараёнида Австрия жамоатчилигининг ҳам юртимизга нисбатан қизиқиши кескин ортишига сабаб бўлди.

Яқинда Венанинг нуфузли журналларидан бири, ишбилармон доиралар ўртасида нисбатан оммабоп саналган «Industrie Magazin» наشري саҳифаларида мамлакатимизда олиб борилётган ислохотлар, айниқса, бизнес юритиш учун яратилган кулай шарт-шароитлар ҳақидаги мақола шу жиҳатдан кўпчилик эътиборини тортиди.

«Ўзбекистоннинг кучли жиҳатларидан бири улкан табиий ресурслар ва ички қучидир. Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп ушбу давлатда Австрия компаниялари учун янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига

келганидан сўнг республикада мисли кўрилмаган ислохотлар бошланди. Ўзбекистон раҳбари кучли сиёсатчи сифатида мамлакатда ва халқаро майдонда катта обрў-эътибор қозонди», дейилади нашрда. «Industrie Magazin» шарҳловчилари таъкидлаганидек, амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Хорижий сармоядорлар валюта тизимининг либераллашувига ижобий реакция билдирдилар. Олиб борилётган солиқ ва боғжона ислохотлари эса тадбиркорлар узоқ йиллардан буён дуч келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

### Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги олдида

## Ижтимоий адолат ва қонунийлик пойдевори



Давлат фаолиятидаги энг асосий мақсад — инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш саналади. Юртимизда амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар, кенг қўламли ислохотлар, аввало, халқимизнинг тўла-тўқис ҳаёт кечиришига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган тамойил замирида ҳам айнан Асосий Қонунимизда белгиланган давлатнинг инсон фаровонлигини кўзлаб фаолият олиб боришига оид принципиал қоидалар мўжжасам.

Бутун давлат органларининг мансабдор шахслари, улар қаторида биз, депутатларнинг ҳудудларга чиқиб, халқ орасига кирганимиз, қисқа муддатда кўплаб муаммоларнинг

ҳал этилгани ҳам юқоридаги конституциявий норманинг амалий ижросидир.

Масалан, биргина депутатлик корпуси томонидан 2017-2018 йилларда республикамизнинг 160 та туманида ўрганишлар ўтказилиб, халқ билан бевосита мулоқот қилинди, аҳолини ташвишга солаётган масалаларнинг ўз жойида ҳал этилишига катта эътибор қаратилди. Ўрганишлар жараёнида жами 74 441 хонадонга ташриф буюрил-

«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси.

ди, 752 мингдан зиёд фуқаролар, 16 512 та тадбиркорлик субъекти вакиллари билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. 1000 дан ортқ фуқаролар ишга жойлаштирилди, тадбиркорликни амалга ошириш учун

100 млрд. сўмдан зиёд банк кредити ажратилиши таъминланди, 500 дан зиёд шахсларга даволаниш учун ордерлар олишга, ногиронлик арачаси билан таъминлашга ва бошқа тиббий хизматлар кўрсатилишига кўмаклашилди.

# ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ – АСОСИЙ МЕЗОН



## Қадим Хивага «Afrosiyob» етиб келди

Юртбошимиз 2017 йилнинг январда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Урганчдан Хивагача темир йўл ҳамда Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» тезкор поезди катновини йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берган эди. Қисқа фурсатда бу эзгу ташаббус амалга ошди.

**Лойиҳанинг умумий қиймати 35,9 миллион АҚШ долларига тенг. 29,6 километр узунлидаги йўл бўлаб 124 та сунъий ишоот, 6 та йўлқўзғич ҳамда кўприк қурилади.**

Вокзал биносининг ташқи қўриқ-ниши Хоразм мезморидаги намуналарини ўзига ақ эттириб, четда VIP-зал, она ва бола, тиббиёт хоналари мавжуд. Вокзалда 35 нафар ишчи бир вақтинг ўзида 200 йўловчига хизмат кўрсатади. 20 ўринли меҳмонхона юртдошларимиз ва туристларга қўшимча қўлайлик яратди.

— Маълумки, Хоразм вилояти туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш талаб этади, — дейди Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази директори Одилбек Раҳимов. — Қадимий шаҳарга ташриф буюрувчи хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг бир қисми самолётда парвоз қилишни хўш кўрса, айримлари, айниқса, кекса ёшдагилари тезкор поездда йўлга чиқишни маъқул кўради. Дунёнинг асарият давлатларида сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатишда тезкор поездлардан кенг фойдаланилади. Эндиликда бундай қўлайлик Хивада ҳам яратилди ва бундан ҳудуд аҳолиси жуда мамнун.

Вокзал ва «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқонаси ўртасидаги 2 километрик масофада қатор инфра-тузилма объектлари қурилади. Айни чоғда барча қўлайликка эга 3 та меҳмонхона ва «Хива — Локомотив» истроҳот боғи барпо этиляпти. Бу ерда сунъий кўл, 27 хил аттракцион, амфитеатр, замонавий савдо рас-талари фаолияти йўлга қўйилади.

## 350 миллион АҚШ долларлик инвестиция лойиҳалари

Хоразмда қўлай инвестиция муҳити яратиш орқали хориж сармоясини тўғридан-тўғри жалб этишга алоҳида эътибор берилляпти. Натижада янги лойиҳалар бирин-кетин рўёбга чиқариломоқда.

Бундан икки йил муқаддам давлатимиз раҳбари «Uzbek» компаниялар гуруҳига Шовот туманининг чекка ҳудудида юқори технология имкониятга эга янги корхона ташкил этиш ва одамларни иш билан таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берган эди. Шу асосда орадан кўп вақт ўтмай Италия ва Буюк Британияда ишлаб чиқарилган сўнгги ру-

сумдаги дастгоҳлар билан жиҳозланган, мингдан ортиқ иш ўринларига эга тўқимачилик корхонаси фаолият бошлади. Лойиҳа қиймати 65 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхонада йилга 70 миллион хўфт ёки қиймати 30 миллион долларлик аёллар, эркаклар ва болалар пайпоқлари тайёрланади.

— Маҳсулотларимиз АҚШ, Россия, Молдова, Украина каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда, — дейди қўшма корхона бош директори Умрбек Абдуллаев. — Давлатимиз раҳбари қўшма корхонага ташрифи чоғида тўқув, қадоқлаш цехлари, логистика маркази, лаборатория фаолияти билан таништи, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди. Маҳсулотларнинг янги моделларини ўзлаштириш ва экспорт ҳажминини ошириш бўйича топшириқлар берди. Булар фаолиятимизни кенгайтиришимизда дастуриламал бўлади.

Иқтисодийга хориж инвестициясини жалб қилиш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни катта. Бунинг «Хоразм» ЭИЗ мисолида ҳам кўриш мумкин. Дастлаб унинг учун Хоразм туманининг 2 та ҳудудидан 325 гектар бую-

ер майдони ажратиб берилган эди. Кейинчалик қурилиш ва инфратузилма тармоқларини ўтказиш харажати камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини, биринчи навбатда, бўш турган бино ва ишоотлар не-



гизида жойлаштириш бўйича тақлифлар асосида яна 7 та ҳудуддаги 89 гектар ер майдонни қўшиб берилди.

Бу ерда Малайзиянинг «Serba Dinamik Group» компанияси томонидан тўлиқ молиялаштирилган каустик сода ишлаб чиқариш заводи қурилади. Янги компания томонидан 250 миллион АҚШ доллари йўналтирилади. Корхона ишга тушгач, йилга 33 минг тонна каустик сода ва 30 минг тонна хлор ишлаб чиқариши мумкин. Тайёрланадиган маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилиниши мўлжаллангани қўшма сазовдор.

Умуман, бу ЭИЗда 2019-2020 йилларда 350 миллион АҚШ долларлик инвестиция лойиҳалари бажарилади. Бунга қарийб 300 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хориж сармояси йўналтирилади. Натижада бу ерда юк мотоцикллари, электроскутерлар, «Дамас» ва «Лаб» автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар, каустик сода, тиббиёт қўлқоплари, пойабзал, трикотаж маҳсулотлари каби экспорт ва импорт ўрнини босувчи буюмлар ишлаб чиқарилади.

Президентимиз ташриф давомида бу эркин иқтисодий зона фаолиятини янада ривожлантиришга

қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берди. Айни кунда шу йўналишда кенг қамровли амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

— Ҳудудимизда 5 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди, — дейди «Хоразм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонаси директори Муродбек Давлетов. — Натижада «Дамас» ва «Лаб» автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар, машиини кир ювish талари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Келгуси йилда эса биргина «Deregor Textile» МЧЖ томонидан 9 миллион АҚШ долларлик инвестиция киритилиб, тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилса, «Ню Бест стайл» МЧЖ томонидан 5,6 миллион долларлик сармоя хисобига гулқоғоз ва гулқоғоз елими ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилади.

Умуман, келгуси йилда эркин иқтисодий зонада аралаш толали қовлава ип, тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий ишоқхона барпо қилиш, вилоятда инновация технопарк ташкил этиш кўзда тутилган.

## Хар қатраси олтинга тенг

Сугориладиган ерлар мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхши-лаш ҳисобига тақдирини ҳал қиливчи муҳим омил ҳисобланади. Шу боис Хоразмда ирригация ва мелиорация борасида қатор чора-тадбирлар



белгиланган, уларнинг изчил ижроси таъминланаётган.

Шундай лойиҳалардан бири Тошқоқа каналлар тизимида рўёбга чиқариломоқда. Президентимиз Хоразмда ташрифи чоғида Тошқоқа магистраль каналда бажарилаётган реконструкция ишлари билан танишиб, канал атрофидаги ерларни ободонлаштириш, кишлоқ ҳўжалиги экинлари парваришида сув сарфини камайтириш чора-тадбирларини қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

Ҳозирги кунда вилоятда 276,7 минг гектар сугориладиган майдон бўлиб, унинг 191,3 минг гектарига обихаёт ушбу тизим каналлари орқали етиб боради. Бошқача айтганда, Янгибозор ва Гурлан туманларидан ташқари, барча ҳудудни шу тизимга кирувчи каналлар сув билан таъминлайди. Бу тизимга кирувчи Тошқоқа, Шовот, Полвон-Ғозовот, Ғозовот каналлари ўтган асрнинг 30 — 40-йиллари оралиғида қазилган бўлиб, сўнгги йилларда уларда сув сатҳи пасайиши туфайли далавларни сувнинг ўз оқими билан сугориш имконияти чекланди. Натижада обихаёт экин майдонларига ушбу оқимдан ортиқ нассослар ёрдамида чиқарилаётган бўлди. Бу эса фермер ҳўжалиқлари учун ортиқча меҳнат, сарф-харажат қилиш, пировардида етиштири-

лаётган маҳсулотлар таннархи ошишига, сув исрофгарчилиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига олиб келаятган эди.

— Ислом тараққиёт банки иштирокида рўёбга чиқарилаётган Тошқоқа тизими магистраль сугориш каналларини қайта тиклаш лойиҳаси ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган, — дейди Қўйи Амударё чап қирғоқ ирригация тизими дирекцияси давлат унитар корхонаси директори Одилбек Тоҳиров. — Лойиҳанинг асосий мақсади вилоятдаги магистраль каналларда сув оқимини тўсиб, унинг сатҳини мутаносиблаштирувчи ишоотлар қуриш орқали ўзюқар тизимга ўтказиш, экин майдонларини нассослар ёрдамида сугориш тажрибасидан воз кечишни назарда тутади. Лойиҳанинг умумий қиймати 145 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 90 миллион 370 минг доллари Ислом тараққиёт банки хиссасига тўғри келади.

**Мазкур лойиҳа амалга ошган: Тошқоқа, Полвон, Шовот каналларидаги 279 та нассос чиқариши хисобига 14 миллиард сўм иқтисод қилинади. Йилга ўртача 800 миллион куб метр сув тежаллади, 69 фоиз экин майдонидан сув таъминоти тубдан яхшиланади.**

Хоразм шароитида дехқончилик қилишини ўзига хўс хусусияти бор. Яъни бу ерда бошқа минтақаларга нисбатан сув сарфи кўпроқ бўлади. Боиси вилоятда экин майдонларининг 58,2 фоизи кам, 30 фоизи ўртача ва 11,8 фоизи кучли даражада шўрланган. Экин экишдан олдин 2-3 марта даланнинг шўрини ювишга тўғри келади. Бу эса мелиорация тармоқларининг сўз ҳолда ишлатиши таъминлаш, уларда доимий равишда реконструкция, тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини олиб боришни тақозо этади.

— Вилоятимизда 2013 — 2017 йилларда Давлат дастури асосида 7688 километр узунликда, қиймати 151 миллиард 996 миллион сўмлик мелиоратив тадбирлар ўтказилиб, 120 минг гектар майдонда ер ости сув сатҳи ҳамда шўрланган даражасини пасайтиришга эришилди, — дейди Хоразм мелиоратив экспедицияси бошлиғи Бекназар Ганжаев. — Жорий йилда эса 27 та лойиҳа бўйича 1795 километр узунликдаги мелиоратив тармоқларда 46,3 миллиард сўмлик реконструкция, тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилади.

Экин майдонлари ҳолатини яхши-лаш учун Давлат бюджети маблағлари хисобига ана шундай улкан ҳажмдаги ишлар бажарилаётган бир пайтда айрим туманларда шўли етиштиришда камчиликларга йўл қўйилгани оқибатида ер ости суви сатҳини кўтаришга боғлиқ бўлиб, бу йили қарийб 30 минг гектар майдонда етиштирилган шўли статистика хисоботида кўрсатилган. Сув таъминоти қўлай ҳудудларда ўзбўшмачилик билан шўли екинини жойлаштириш натижасида гўза вегетациясини даврида Шовот, Қўшқўпри, Янги, Янгиерик туманларида сув таъминоти юзага келди. Оқибатда бу ҳудудларда пахта ҳосилдорлиги пасайиб, асарият фермерлар шартнома мажбуриятини бажара олмади.

Юртбошимиз вилоятда шўличилик тармоғидаги аҳолини таҳлил қилиб, бу йўналишда илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш, кам сув талаб қиладиган технологияларни жорий этиш, Вьетнам, Хитой давлатларидан мутахассисларни жалб қилиш бўйича топшириқ берди. Айни

чоғда мазкур соҳа мутахассислари, олимлар билан ҳамкорликда амалий ишлар бошлаб юборилди.

## Оилалар учун қутилмаган туҳфа

Қўшқўпридаги Оқдарбанд кишлоқи сугориш тармоғидан анча узоқда, хоразмликлар таъбири билан айтганда, сув йўлининг охирида жойлашгани боис дехқончилик ишлари қўшимча меҳнат, сарф-харажат талаб этади. Яна қатор салбий омиллар туфайли ушбу кишлоқ манзараси кўнгилларни хира қиладиган даражага келиб қолган.

«Обод кишлоқ» дастури доирасида бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилган, у мутлақо янги қиёфга кирди.

— Қўшқўприда 9,5 минг нафарга яқин кишлоқ истикомат қиладиган «Иттифок» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимбой Раҳмонов. — Республика ишчи гуруҳи ва сектор раҳбарлари уйма-уй юриб, 1500 дан зиёд хонадон эгалари билан юзма-юз мулоқотда бўлди. Кишлоқнинг инфратузилмаси, ижтимоий соҳа объектлари аҳоли ва коммунал соҳадаги муаммолар «Йўл харитаси» асосида қисқа муддатда бартараф этилди. Бу ерда яшовчиларни турли миллат ва маданият эгалари билан таништириш, уларнинг уй-жой шароитларини яхши-лаш, бандлигини таъминлаш, тиббий қўриқдан ўтказиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

С. Машарипов хасталикка чалинган, турмуш шароити оғирлашди. У рўзгордан орттириб уй-жойни таъмирлашга имкон топа олмади. Бундан анча шундай 20 та эҳтиёжманд оиланинг уй-жойлари таъмирдан чиқариб берилди. Кишлоқда янгилашган намунавий лойиҳалар асосидаги 40 та арзон уй-жой қурилиши бўлиб, уларнинг бири шўхнинг қўли билан ушбу қутилмаган туҳфа бўлди.

— Бир ҳўлида учта оила истиқомат қиладиганмиш туфайли фарзандларимизнинг даро таъйёрлаши учун етарли шароит йўқ эди, — дейди Ошоққалъа кишлоғида яшовчи Гуландом Едгоров. — Ана йиллардан бери оиламизга мос, ихчам, барча қўлайлиги мавжуд уй-жойга эга бўлишни орзу қилардик. Туман ҳокимлиги қошида тузилган комиссия оилавий аҳолиимизни ўрганиб чиқиб, арзон уй-жой сотиб олишга тавсиянома берди. Кишлоқимизда барпо этилган икки сотих майдонга эга, бир қаватли, уш хонали уйга кўчиб кирдик. Бундан қанчалик қўнғонча тўлганимизни сўз билан таърифлаш қийин.

— Ёшим тўқсондан ошди, умримнинг кўп қисми далада, дехқончиликда ўтди, — дейди Султон бобо Давлатов. — Кишлоқимиз тарихида ҳали бундай миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўлган эмас. Кундан-кунга обод бўлаётган уй-жойларни, қўчаларни, ҳаётимиздаги ўзгаришларни кўриб, кексаё ёшнинг баҳридлиги очилмоқда. Кишлоқимиздаги мактабга таълим маънасида чорак асрдан буюн фаолият кўрсатмасди, биноси ҳам шўландик ҳолга келиб қолган. Қисқа муддат ичида таъмирланиб, замон талаблари асосида қайта жиҳозланган ушбу маънасида 130 нафар

болажонни ўз бағрига олди. Қўшни маҳаллада 150 ўринли яна битта мактабга таълим маънасида бунёд этилди. Шунингдек, 2 та умумтаълим мактаби ҳам таъмирлаш ишларидан кейин бутунлай янгича қиёфга кирди.

Қишлоқнинг 300 ўринли маданият саройи биноси ҳам анча йиллардан бери қаровсиз аҳволда ётган эди. У мукаммал таъмирланиб, маданият ва дам олиш уйи сифатида элга хизмат қила бошлади. Ёшлар меҳнат гузарси, кутубхона, ҳаммом, гўзаллик салони каби инфратузилма объектлари қисқа муддатларда қурилиб фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Комилжон Нуримов-



нинг саъй-ҳаракатлари билан нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона очилди. Кишлоқдаги 3 та маҳаллада сунъий қопламали майдон бунёд этилгани эса спортсевар ёшларни беҳад қувонтирди.

## Хоразмнинг «ташриф қоғози»га айланади

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган доворак саркарда, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган миллий қаҳармон, хоразмшўрлар давлатининг сўнгги ҳўқдор Жалолиддин Манғуберди тўғрисида XIII асрдан то ҳозирги кунга қадар ёзилган китобларнинг сонининг шундан ортиқини ташкил этади. Шунинг ўзи ҳам унинг шавкатли номи бекиёс шараф ва эҳтиромга лойиқ эканини кўрсатади. Собиқ туман даврида у тўғрисида ёзишга йўл қўйилмади, узоқ ўтмиш қаърида бу ном гўх унутилди, яширин тутилди, тарихини ўрганиш тақиқланди.

Бугун бобимиз номи халқимиз томонидан улуғланди. Мамлакатимизда кўча ва хиёбонларга саркарда номи берилди, «Жалолиддин Манғуберди» ордени таъсис этилди. Эндиликда Урганч шаҳри марказида Ал-Хоразмий ва Паҳлавон Маҳмуд қўчалари кешимасида бунёд этиладиган, саҳни 3,5 гектарни ташкил қилувчи мемориал боғда Жалолиддин Манғуберди ҳайкали ўрнатилмади бўлди.

— Ҳайкал саркарда жасорати ва шўну шавкатига мос ҳолда маҳобатли бўлиши, бу майдон Президентимиз таъбири билан айтганда, Хоразмнинг «ташриф қоғози»га айланиши керак, — дейди тарих фанлари док-

тори, профессор Озод Машарипов. — Шу боис тарихчи олимлар, архитекторлар, қурувчилар маслаҳатлашиб, майдонни чўқур мазмунли, чиройли, жозибали қилиш учун умумий ечимга келамиз. Келажакда бу мажмуа барча катта қизиқиш билан ташриф буюрадиган масканга айланади.

## Унутилмас воқеа

Бугун кишлоқ жойларда мактабга таълим маънасидаги сонини оширишни тақозо қилмоқда. Бу, биринчидан, болаларнинг умумий саводини чиқариш, дунёқарашини



кенгайтириш имконини берса, иккинчи томондан, ёш болани оналарнинг меҳнат қилиш, оила даромадини оширишга шарафти яратди.

Вилоятда нодавлат таълим маънасидаги тармоғини ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йил сентябр ойида фаолият бошлаган «Нихол» инновация мактаби бошланғич синфларга ментал арифметикани ўргатишга интросолаштирилган. Бу ерда инглиз, рус тили фанлари чўқурлаштирилган тартибда ўқутилади. Уқувчилар бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида шахмат тўғрисида оқилган. Келаси ўқув йили учун мактабга тайёрлов гуруҳлари иш бошлаган.

Мактаб қурилишига 3 миллиард 350 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, 19 та фан хонаси, кутубхона, ошхона, спорт зали, ҳамшира ва ўқитувчилар хоналари, фойзалар ва мавжуд. Ҳозирги кунда 582 нафар болаларнинг синф ўқувчиси машғулотларга жалб қилинган. — Таълим маънасидаги 250 ўринга мўлжалланган, яна 500 ўринли янги ўқув биносига эҳтиёж бор, — дейди мазкур мактаб директори Умида Собирова. — Шу боис мактабимиз ёнидан қўшимча ер майдони ва 6 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олиш ниятидамиз. Янги ўқув биносини қуриб, ишга туширсак, яна 50 иш ўрни яратилади. Президентимиз ташрифи чоғида мактабгаги шароитни кўздан кеңираб экан, бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлади, ўқув маънасидаги янги автобус ва ўқувчиларимизга планшетлар совға қилинди. Бу барчамиз учун унутилмас воқеа бўлди.

**Давлатимиз раҳбари юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлаш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ҳудудда биттадан янги типдаги мактаб — Президент мактабларини очиб ташаббусини илгари сурган эди. Хоразмда бундай мактаб Хива шаҳрида, Маъруф академияси қошида ташкил қилинадиган бўлди.**

Умуман, Юртбошимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи ушбу ҳудуд аҳолисининг қайфиятини кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Одилбек ОДАМБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Ўзбекистон жаҳоннинг 50 та илғор мамлақати қаторига кириши учун амалий саъй-ҳаракатлар бошланди

Шу ўринда муҳим бир маълумотни келтириб ўтиш лозим. Яъни 2018 йил биринчи чорагида «Фан тўғрисида»ги қонун лойиҳасига www.regulation.gov.uz порталида фуқаролар томонидан жуда катта қизиқиш билдирилди. Ушбу қонун лойиҳаси 2 210 та ишқот қиритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси сифатида етакчилик қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ақли шаҳар» концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси асосида «Ақли транспорт», «Электрон милиция», «Электрон таълим», «Электрон соғлиқни сақлаш тизими», «Ақли энергетика», «Сув таъминоти», «Ақли уй-жой ва коммунал ҳўжалиги» каби мезонларни ўз ичига олган «Ақли шаҳар» концепцияси тайёрланди.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш ҳамғармаси томонидан ҳозирги кунга қадар 21 нафар ёш олимнинг чет элга илмий стажировкалари ташкил-лаштирилди.

Бугунги кунда вазирилик қошида «Инновацион ишланмаларни табиқ этишининг илмий-амалий маркази», «Уруччиликни ривожлантириш маркази», «Яшнобод инновацион технопарк дирекцияси», «Оролбўйи халқаро инновация маркази» ташкил этилган

ва улар мамлакатимиз тараққиёти йўлида изчил ишларни амалга оширмоқда.

Инновацион тузилмада илмий ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш учун бизнес-инкубаторга асос солинган. Ҳозирги пайтда технопаркда 7 нафар резидент фаолият юритиб, улар томонидан 245 та иш ўрни яратилди ҳамда 24,3 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб этилди.

Президентимизнинг «Инновация гоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах вилоятларида инновацион лойиҳалар-стартларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, натижаларини трансфер қилиш ҳамда тижоратлаштиришнинг амалга оширувчи инновацион гоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларни ташкил этиш устида ишлар олиб борилляпти.

Соғлиқни сақлаш тизимида касалликларни барабақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва са-

марали даволаш имконини берувчи илгор технологияларни кенг жорий этиш мақсадида пойтахтимизда Инновацион ривожланиш вазирилик ҳамкорлигида «Доктор Мақсудова» инновацион клиникаси очилди. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ҳудуди шундай шифохона очилиши қутулмоқда.

**Бугунги кунда 43 илмий ва илмий-техник ишланма тижоратлаштирилишига Фанлар академиясининг 15 та илмий-техник институти ҳамда 6 та тижорат банки жалб этилди. «Йўл харитаси»га мувофиқ, 19 лойиҳа бўйича инновацион компания иш бошлади, 8 лойиҳа бўйича лицензия шартномаси имзоланди.**

Масалан, чангтўткич лойиҳаси Навоий кон-металлургия комбинати маблағлари хисобидан тижоратлаштирилиб, дастлабки икки босқичи якунига етди. Ўзбекистон ҳудудидаги сейсмик ҳавфни баҳолаш дастури Фавқулодда вазиятлар вазирилик томонидан тижоратлаштирилди. Усимлик моддалари қимёси институти ва «Никофарм» МЧЖ ўртасида фармацевтика соҳасига оид «Фланорин» ва «Ферулен» субстанцияларини ишлаб чиқариш бўйича лицензия шартномаси имзоланиб, натижада айни пайтгача 440 миллион сўмлик маҳ-

сулот ишлаб чиқарилганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Агар соҳага инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш, экинларнинг янги селекция навларини яратиш бўйича Халқаро уруғчилик федерацияси ва бошқа уруғчилик ассоциациялари билан алоқалар ўрнатилгани ҳам алоҳида эътиборга молик. Давлат-хусусий шериклиги «Кўкон кластер» ва «Қарши кластер» уруғчилик корхоналарини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳалари тайёрланди. Эндиликда Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам уруғчилик кластерларини ташкил қилиш бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу вазифарларни ҳаётга татбиқ қилиш учун ҳар бир кластерга 10 миллион АҚШ долларидан, жами 60 миллион доллар ажратилган. Туркиянинг «Агробест» ва Япониянинг «Musashino Seed Co., Ltd.» компаниялари билан ҳамкорликда уруғчилик кластерларини тузишга келишилгани айни мuddао бўлмоқда.

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида жорий йилда жами 1 748 лойиҳа 193,4 миллиард сўм миқдорда молияла

### Корея Республикаси билан муносабатларимиз яна қайси йўналишларда ривожланади?

— Президент Мун Чжэ Иннинг "Янги Шимол сибёти" Корея яриролидаги кескин вазиятни юмшатишга хизмат қилди, Шимолий ва Жанубий Корея, Россия, Хитой ҳамда Евроосийнинг бошқа манфаатдор давлатлари, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро алоқаларида мулоқо янги истиқболларни белгилаб берди, — деди В. Норов. — Уз навбатида, Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари Марказий Осиёда буткул янги сиёсий муҳит яратилишига олиб келди. Бугун минтақа давлатлари яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, икки томоннинг манфаатларини инобатга олиш принциплари асосида конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга қатъий содиқлик кўрсатиб, бу борада улкан салоҳият намойиш этиб келаяпти.

— Ўзбекистон сўнги йилларда юксак тараққиёт сари дадил қадам ташлаб, улкан ютуқларга эришмоқда, — деди Корея Республикасидаги Ханьян университетининг Осиё — Тинч океани тадқиқотлари маркази директори Гу Хо Ём. — Мамлакатингиз "Бир макон, бир йўл" лойиҳасини амалга оширишда Хитойнинг энг муҳим шерикларидан ҳисобланади, шу

### Мушоҳада Тадбиркорнинг ҳафсаласи пир бўлмасин

Гаждувонлик тадбиркор Акмалжон Ҳалимов эзгу ташаббусни илгари сурди, аммо кимлардир унинг ҳафсаласини пир қилди...

2 миллиард 200 миллион сўми эса кредит ҳисобидан қоплашни керак эди. — "Ипотека-банк" "Сардор" филиали мутахассислари бинони кўриб, қайта ҳисоблашди ва 1 миллиард 700 миллион сўм микродида имтиёзли кредит ахратилишини айтишди, — дейди ишбилармон. — Бөгача ни қуришда давом этдим. Банк билан кредит шартномаси туздим. Шу сумма учун банк сўғурта ҳам қилдириди. Амалда эса менга 1 миллиард 180 миллион сўм микродида имтиёзли кредит берилди. Маблағнинг қолган қисмини, яъни 520 миллион сўмни олганимда муассасамиз биноларимизни тўлиқ таъмирлаган бўлардик. Натижада тарбияланувчилар сонини 180, ишловчилар эса 33 нафарга етарди...

Тадбиркорни тингларканмиз, беихтиёр яқинда ўтган халқ депутатлари Гаждувон тумани Кенгаши сессияси ёдга тушди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати вакилларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ўрнатилган қатор масалалар муҳокама қилинган ушбу тадбирда болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш даражаси пастлиги, тумандаги 25 та маҳаллада бундай муассаса йўқлиги танқид қилинганди.

Шундай экан, эзгу ташаббус билан майдонга чиққан тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни янги марраларга рўҳлантириш шу кунги ҳаётий масала эмасми?!

Хўш, тадбиркорнинг ҳафсаласини пир қилиш кимга керак бўлиб қолди?!

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2019 йил учун даврий нашрларга обунани банк бош офиси учун амалга ошириш мақсадида уларни етказиб берувчи компаниялар ўртасида очиқ танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) эълон чиққан санадан кейинги 10 календарь кун ичида ушбу фаолият тури билан камида 2 йил шуғулланган юридик шахслардан қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун буюртманомана юборган шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чиққан санадан кейинги 10 календарь кун давомида берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш, улар қандай шаклда юборилгани (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилгани)дан қатъи назар, ушбу эълон чиққан санадан кейинги 10 календарь кун ўтгач, маҳаллий вақт билан соат 16.00 да тўхтатилади.

Буюртманомана шаклини «Ўзмилийбанк»нинг расмий сайти (www.nbu.uz)дан олиш мумкин.

Шартноманинг юқори нархи — 45 000 000 сўм.

Танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 101-уй. «Ўзмилийбанк» бош маъмурий биноси. Телефон: 71-234-45-36.

Мулоқотда бўлувчи шахс: Шаикрамова Юлдуз. Хизматлар лицензияланган.

### Ижтимоий адолат ва қонунийлик пойдевори

Конституциядаги ваколатлардан самарали фойдаланиш, қолаверса, жойларда халқ дардини эшитиш парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига ҳам янгича мазмун олиб кирди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан авваллари бир йилда ўртача 50 — 60 та қонун қабул қилинган бўлса, охириги икки йилда 150 дан ортиқ қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Улар орасида депутатлар ташаббуси билан киритилган лойиҳалар сонини 30 дан зиёдни ташкил этади.

2018 йилда Ҳаракатлар стратегиясининг амалий ижроси доирасида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги янги қонунлар қабул қилинди.

Парламентимиз фаолиятида яна бир янги механизм — "ҳукумат соати" институти тузилиб, ижро ҳокимияти вакилларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти жорий этилди. 2018 йилда 10 га яқин вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарлари ҳисоботлар тақдим қилдилар. Улар олдида жойларда аҳолини ташвишга солаётган масалалар юзасидан аниқ вазифалар кўйилиб, муаммолар бартараф этилишига эришилмоқда.

Конституциянинг 14-моддасида барча амалий ишлар ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилади, дея ифодаланган. Умуман, ижтимоий адолатга интилиш каби устувор ғоя Асосий Қонунимизнинг муқаддимасидаёқ белгиланган. Бу унинг барча нормалари адолат тамойиллари асосида шаклланиши кўрсатади.

Давлат бюджетининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилатгани бу борадаги амалий ишларнинг исботидир.

Биз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаган ҳуқуқий давлат барпо этар эканмиз, бунинг учун, аввало, жамиятда қонун ус-

### Анжуман Кимлар суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга?

Бундай ҳуқуққа кимлар эга эканлигини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Кейинги йилларда соҳада амалга оширилган ўзгаришларга биноан, хусусан, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига қура, апелляция, кассация инстанцияси судида иш юритиш даъво тартибдада юриштирилган ишлар бўйича даъвогар, жавобгар, учинчи шахс, улар вакиллари ва бошқалар шу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

Хосиласи бўлди. Шунингдек, "Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибдада кўриш амалиёти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш тартибига солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" ва "Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция ва кассация тартибдада кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаларини ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми навбатдаги йиғилишида ана шу қарор лойиҳалари муҳокама этилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Депутатлик корпуси томонидан 2017-2018 йилларда республикамизнинг 160 та туманида ўрганишлар ўтказилди.**

752 мингдан зиёд фуқаролар, шу жумладан, 16 512 та тадбиркорлик субъекти вакиллари билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ўтказилди.

74 441 хонадонга ташриф буюрилди.

1000 дан ортиқ фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорликни амалга ошириш учун 100 млрд. сўмдан зиёд банк кредити ажратилиши таъминланди.

Шухрат ЯКУБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

### Замонавий божхона терминаллари қурилади

Бугун мамлакатимиз чегара постлари орқали ҳисмоний шахслар ва транспорт воситаларининг ўтиши ортиб бормоқда. Таҳлилларга қўра, 2017 йилда чегараларимиз орқали жами 484 679 та транспорт воситаси, 17 миллион 848 минг 652 нафар фуқаро ҳаракатланган бўлса, жорий йилнинг ўтган ўйида бу кўрсаткич мос равишда 998 401 тани ва 34 миллион 645 минг 658 нафарни ташкил этган.

Божхона қўмитаси бош инспектори Аъзамжон Эргашев. — Ўз навбатида, бу ерда хайдовчиларга ҳам, фуқароларга ҳам қўлайлик яратиш мақсадида автотурагоҳлар, автосервис, меҳмонхона, ошхона каби маъмурий инфратузилмалар фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Мазкур терминалларда, шунингдек, хавфларни автоматлаштирилган бошқариш тизими, хона йиғимидан 11 тасига эҳтиёж йўқлигини кўрсатди. "Фронт-офис". Энди божхона постларида бепул асосда божхона юк декларациясини тўлдирдишга ёрдам берадиган ана шундай махсус шахслар гуруҳи ташкил этилади. Ҳозир ушбу хизматни кўрсатаётган брокерларнинг фаолияти талабга жавоб бермай келаётган эди. Бундан ташқари, барча товар учун экспорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш талаби бекор қилинмоқда.

— Бу талаб тадбиркорлар учун ортиқча тўсиқ бўлаётган эди, — дейди Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи Жаваҳир Маннопов. — Яъни контрактларни ҳисобга қўйишда икки кун вақт ва ортиқча маблағ сарф этиларди. Энди бундай амалиётга чек қўйилди. Бу ишлар ягона электрон тизим орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, юқорида санаб ўтилган шу ва бошқа ўзгариш ҳамда янгиликлар божхона маъмуриятчилиги соҳасида қўлай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсиқлик қилмаётган муаммоларга ечим топиш, фуқароларга енгилликлар яратиши билан ҳам гоятда муҳим.

Бош прокуратура ҳузуридagi Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

2017-2018 йиллар январь - октябрь ойларида божхона тўловлари ўсиши динамикаси

2017 йил	5,841 трлн. сўм	3,7% трлн. сўм	2018 йил	9,503 трлн. сўм
----------	-----------------	----------------	----------	-----------------

яъни 2018 йил 1 декабрдан эътиборан хавф даражаси ўрта ҳамда юқори бўлган товар ва транспортлар учун сариф ва қизил йўлақлар жорий қилинди, 2019 йил 1 мартдан бошлаб эса хавф даражаси паст ҳамда ўрта товар ва транспортлар учун яшил ҳамда қўқ йўлақлардан ўтиш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим жиҳат: келгуси йилнинг 1 февралдан инсофли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига соддалаштирилган божхона тартибидан фойдаланишга имкон берилди. Шунингдек, божхона йиғимлари ставкалари турларини қисқартириш орқали уларни мақбуллаштириш ва янгиланган ставкаларни тасдиқлаш ҳам белгиланди. Таҳлиллар амалдаги 16 та бож-

### Огоҳлик Маҳаллада жиноятчилик камаймаяпти

Жорий йилнинг 10 ойида Учқўприк туманида 252 та жиноят содир этилган. Худудда бундай ҳолат ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 76 тага камайгани ҳолда, 9 та маҳаллада осган.

Шундай бўлгач, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик камайди, дейишга ҳали эрта. Негаки, жиноят битта бўлса ҳам кўп. Боз устига, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бундай ҳуқуқ ишга қўл ураётгани барчани хушёрликка ундаши керак. Масалан, Фаргона шаҳри бўйича 16 та жиноят айнан вояга етмаганлар томонидан содир қилинган...

Фаргона вилояти туман ва шаҳарларида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилган "Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва оилавий маросимларни тартибга солишда кекса авлод вакилларининг ўрни" мавзусида семинарлар да ани шу долзарб масала кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Элёржон ЭХСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Назорат «Транзит операцияси»

Давлат божхона қўмитаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги қарши курашиш бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда "транзит операцияси" фош этилди.

Қўмита матбуот хизмати маълумотларига қўра, Хитойдан Туркменистонга йўл олган юк автотранспорт воситаси транзит тартибда ўтиш мақсадида Тошкент вилояти божхона бошқармасининг "Яллама" чегара-божхона пости орқали республикамизга кириб келди.

Мазкур автотранспорт юкюнасида дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 1 миллиард сўмдан ортиқ 13 номдаги халқ истеъмоли товарларига ортилган бўлиб, транспорт воситаси "Яллама" чегара-божхона пости ходимлари томонидан белгиланган тартибда Бухоро вилояти божхона бошқармасининг "Олот" чегара-божхона постига йўналтирилди.

Шун тариха Бухорога йўл олган автотранспорт воситасини бошқараётган қўшни давлат фуқароси Б. К. қўлга олиниб, Самарқанд туманидаги модаллага йўл олади. Бу ерда эса уни фуқаро С. Ю. "интизорлик" билан қўлга олган эди.

Р. ОТАМУРОДОВ тайёрлади.

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА**

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки (почта манзили: Тошкент шаҳри, Шахрисабз қўчаси, 3-уй, электрон почта манзили: info@uzspb.uz) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилинади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2018 йил 14 декабрь, соат 11.00 да, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохқўчаси, 5-уйда жойлашган банк биносида ўтказилади.

**ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:**

1. Аффилиланган шахс билан битим тузиш тўғрисида.
2. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2018 йил 14 декабрь кунини соат 10.00 дан бошланади. Умумий йиғилишга оид ахборотлар (материаллар) билан қўйидаги манзилда танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохқўчаси, 5-уй.

Акциядорлар шахсан ёки уларнинг вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжат, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахс вакиллари нотариал тасдиқланган, юридик шахс вакиллари ташкилот томонидан берилган ишончнома) билан йиғилишда қатнашишлари мумкин.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестри шакллантирилган сана: 2018 йил 30 ноябрь.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2018 йил 10 декабрь.

Мурожаат учун телефонлар: 71-120-45-07, 71-120-36-25. Хизматлар лицензияланган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кенгаши.

# ДУНЁНИ МЕҲР-МУҲАББАТ АСРАЙДИ

## Гамхўрлик

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Ногирон болалар интернат уйида 280 нафар ўғил-қиз истиқомат қилади. Ушбу масканда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган ақлан заиф фарзандлар ижтимоий муҳофазага олинган. Ишчи-ходимларнинг меҳр-муҳаббати тўғрисида бу ердаги болажонларнинг нафақат саломатлиги тикланмоқда, балки ақлий салоҳиятидаги ўзгаришларга имкон яратилляпти.

Муассасамиздаги болажонларнинг ҳар бири алоҳида олам, — дейди интернат уйи директори Хуршидаҳон Халилова. — Айримлари умуман гапиролмайди, баъзилари фикрини тушунтиришга қийналади, аксарияти ҳозир айтган гапини бир оздан сўнг унутади. Тақдирнинг зарбаси билан бир умр тўшакка микланиб қолган, ҳаракатлана олмайдиган фарзандларимиз ҳам бор. Шундай бўлса-да, улар ўз дунёсига эга. Ҳар бирининг қизиқиши, сеvimли машғулотлари бор. Ўзларича фикрлайдилар, хулоса, тахлил қилдилар. Қобилияти билан бошқалардан ажралиб турувчилар ҳам йўқ эмас. Масалан, Умидаҳон Йўлдошевани олайлик. У ёшган шевлар қанбалари ларзагата солади. Баҳромжон Жўраев — икtidорли спортчи. Мадинабону Қобулова республикамиздаги Саҳоват ва Муруват уйлариининг йўлдошига айланган. Унинг ширали овози, дидортар кўшиқлари кўнгилларга ҳўш ёқади. Шу йилнинг 21 сентябрь кунини пойттахтимиздаги мухташам "Халқлар дўстлиги" саройида бўлиб ўтган "Меҳрнинг Ватани Ўзбекистондир!" номли хайрия галя-концертида унинг ўзбек эстрадаси танкили вакиллари билан бирга дуэт икхро этганили ҳам бежиз эмас.

Муруват уйи фаолиятида ютуқлар кўп. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш доирасидаги вазифалар тўғрисида муассасада Давлат бюджетининг озик-овқат учун йўналтирилган маблағи миқдори 247 миллион сўмга етказилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар ҳомийлик маблағининг ўзи 396 миллион 776 миң сўмни ташкил этди. Ётоқхона, ўқув синфларини таъмирлаш учун 171 миллион сўм сарфланди. Муассасада олиб борилаётган машғулотлар натижасида болаларнинг қобилият ва икtidори қашф этилмоқда. Мисол учун, жорий йил республика-

**БМТ Бош Ассамблеясининг 1992 йилдаги қарорига асосан, ҳар йили 3 декабрь «Халқаро ноғиронлар кунини» сифатида бутун дунёда кенг нишонланади.**

54 миң нафарни ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар 350 нафарга яқини янги уйларга қўчиб қирган бўлса, йил охиригача 250 нафар ноғиронлиги бўлган фуқарога янги тураржой қалитлари топширилади. Қисқача айтганда, нафақат Андижон вилоятида, балки республикамизда саломатлигида нуқсони мавжуд юрдошларимизнинг ҳамма билан тенг ҳуқуқлиги асосида турмуш кечирishiлари учун барча имконият ишга солинмоқда. Зеро, юртимизда инсон энг олий қадриятдир.

**Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



# ЎН ТЎРТ БУЛОҚНИНГ СИРИ

## Ватан манзаралари

Тарихий манбаларда тез-тез учраб турадиган Ҳўжамушкент Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида жойлашган. Бу ердаги қадимж оводонлаштирилиб, зиёрат қилинадиган табарруқ масканлардан бирига айланган.

Зиёратгоҳда тор йўлақлар орқали биридан бошқасига ўтувчи катта-кичик гор ва бир нечта булоқлар мавжуд. Халқ орасида Ҳўжамушкент, яъни мушкулларни осон қилувчи Ҳўжа номи билан машҳур тарихий зотнинг асл исми Ҳўжа ибн Исоқдир (баъзи манбаларда Мавлоно Абу Исоқ деб юритилади). Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ривоятга кўра, жангоҳда душманларнинг қўли устун келган чоғда, Ҳўжа ибн Исоқ тепаликка чиқиб ортидан таъкиб этаётганлардан қутулиш мақсадида Яратганга илтижо қилади ва ерга мушт уради. Унинг мушти ўрнида гор пайдо бўлади. У шу горга кириб ғойиб бўлади ва Маккадан чиқади...

Ҳўжамушкент зиёратгоҳи Жиззах шаҳридан 150 километр узоқликда. Ушбу муаззам маъво баҳор ойларидан бошлаб гавжумлашади. Зиёратгоҳдаги ўн тўртта булоқнинг ҳар бири ўзига хос таъми ва шифобахш хусусиятига эга. Булоқлар қўшилиб, сойга айланади. Айтишларича, бу зилол сув миң дардга даво. Улар ўз хусусиятига қараб алоҳида номланади. Ниятбулоқ — ниятингизга етинг, Муродбулоқ — муродингизга етинг каби. Иситабулоқ, Қўтирбулоқ кабилар ҳам ер остидан чиқадиган сувларнинг қандайдар дардларга даво бўлишига қараб эътироф этилади. Яхши ният билан келганлар бу

булоқларда юз-кўллариини ювиб, шифобахш сувлардан тўйиб-тўйиб ичишади. Обихаётнинг инсон организмизига фойдали минералларга бой эканлиги илмий жиҳатдан исботланган. Атрофдаги турфа даратлар, гуллар, ажиб ифор таратувчи райхонлар зиёратчиларнинг баҳридилрини очади. Қадимжода Ҳўжамушкент — Ҳўжа ибн Исоқнинг разий қабри устига хонақоҳ қурилган. Қирворашидаги масжид, дам олиш жойлари, чойхона ва меҳмонхона зиёратгоҳ қўрғига кўрк бағишлайди. Бу ерга хорижий сайёҳлар ҳам кўп ташриф буюради. Улар ҳамюртларимиз қатори булоқларда юзларини чайишади, сувидан роҳатланиб ичиб, яхши ниятлар қилишади.

— Ислом оламида машҳур аллома, тасавуф илмининг билимдонини Ҳўжа Юсуф Ҳамадонийнинг қадимжоси мазкур худуддаги Чанговул қишлоғида мавжудлиги тадқиқотлар натижасида маълум бўлган эди, — дейди Жиззах давлат педагогика институтини Тарих ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Фаруқ Ақчаев. — Ҳўжа Юсуф Ҳамадоний фаолияти билан боғлиқ маълумотларни тўлаш жараёнида у кишининг устози Мавлоно Абу Исоқ ҳазратлари эканлиги аниқланди. Алишер Навоийнинг "Насойим

ул-муҳаббат" асариди Ҳўжа Юсуф Ҳамадонийнинг устози Шайх Абу Исоқ ҳазратлари бўлганлиги қайд этилган. Бу асарда яссавийлик тариқати валийлари қаторида "Исоқ ота" тўғрисида ҳам маълумот келтирилади. Шунингдек, Абу Хафс Насасийнинг "Қандия" асариди Юсуф Ҳамадонийнинг Мовароуннаҳрга келиши ҳақида: "Ҳамадон вилоятида 11 нафар ошналари ҳамроҳлигида келган эдилар. Уларнинг тўртинчиси Ҳўжа Исоқ", деган маълумотлар мавжуд.

Мазкур манзилга туташ тепаликда қадимий мазорқўрғонлар бор. Зардуштийлик даврига оид сопол синиқлари аждодларимизнинг ҳаёт тарзи, маданиятидан дарак беради. Обод манзилда файз ва барака бўлади. Ҳўжамушкент ҳам ободлик тўғрисида сўлим гўшага айланган. Илгари қаровсиз бўлган булоқлар қайта кўз очди, манзарали дароҳт ҳамда анвойи гул қўчатлари ўтказилди. Масжид биноси таъмирланди, хонақоҳ тикланди, йўлақлар бунёд этилди. Ҳозирги кунда бу ерда зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

**Холниса РАҲМОНҚУЛОВА.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

# ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этилади:  
гальванизацияланган ва полимер қопламали  
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

## ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 500 сўм/п.м.

## ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 000 сўм/п.м.
- RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 60 000 сўм/п.м.

Хизматлар лицензияланган.

Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.



# ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ



Туркиянинг Конья шаҳрида 16 ёшгача бўлган "ақл гимнастикачилари" ўртасида Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси якунланди.

Ҳамюртларимиз сўнгги тўққизинчи турда Хитой терма жамоасига қарши баҳс олиб боришди ва 2,5:1,5 ҳисобида ғалаба қозонишди. Шу тариқа вакилларимиз 9 тур якунига кўра, олтин медалга эга чиқдилар.

## Фахр

Шахматчиларимиз мусобақа давомида Россия, Хитой, Хиндистон, Эрон, Украина, Венгрия, Польша, Молдова терма жамоаларини мағлуб этишди. Битта турда АҚШлик рақибларга имконият бой берилди. Шахмат Олимпиадасида юртимиз шарафини Нодирбек Ёқуббоев, Нодирбек Абдусаторов, Жаҳоҳир Синдоров, Шамсиддин Воҳидов ва Ситора Сапарова ҳимоя қилди. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон терма жамоаси илгари бундай натижа кўрсатмаган. Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасининг мазкур олтин медали ўзбек шахмати тарихида дастлабкисидир.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

### МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Аэронавигация тизимлари кафедраси: профессор — 1, доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
2. Ҳаво кемалари ва жиҳозларнинг техник эксплуатацияси кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
3. Радиотехник қурилмалар ва тизимлар кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, ассистент — 1.
4. Саноат дизайни кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1.
5. Биотехнология кафедраси: кафедра мудири.
6. Биотибиёт муҳандислиги кафедраси: профессор — 1, ассистент — 1.
7. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси: доцент — 7, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 4.
8. Умумий кимё кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1.

### ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари кафедраси: профессор — 1, доцент — 1.
2. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси: профессор — 2, катта ўқитувчи — 4, ассистент — 1.
3. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси: профессор — 2, доцент — 3.
4. Мехатроника ва робототехника кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
5. Рақамли электроника ва микроэлектроника кафедраси: кафедра мудири, профессор — 2, доцент — 1.
6. Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси кафедраси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
7. Лазер технологияси ва оптоэлектроника: доцент — 1.
8. Ахборот технологиялари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 2.

### ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Электр таъминоти кафедраси: кафедра мудири, доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
2. Гидравлика ва гидроэнергетика кафедраси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
3. Иссиқлик энергетикаси ва атом электр станциялари кафедраси: профессор — 2, катта ўқитувчи — 1.
4. Термодинамика ва иссиқлик техникаси кафедраси: кафедра мудири.
5. Электр механикаси ва электр технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи — 4.

6. Электр машиналари кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 2.
7. Альтернатив энергия манбалари кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
8. Энергетикада тизимларни бошқариш ва назорат қилиш кафедраси: профессор — 2, доцент — 1.
9. Электр техникаси кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, ассистент — 1.

### КОНЧИЛИК ИШИ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Кончилик иши кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
2. Кўмир ва қатламли конлар геотехнологияси кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
3. Маркшейдерлик иши ва геодезия кафедраси: кафедра мудири.
4. Кончилик электромеханикаси кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 2.
5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси: профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 4, ассистент — 2.

### ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси: кафедра мудири, доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
2. Гидрогеология ва муҳандислик геологияси кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 1.
3. Геология, минералогия ва петрография кафедраси: доцент — 2, катта ўқитувчи — 3, ассистент — 1.
4. Геология қидирув ишлари техникаси ва технологияси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
5. Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
6. Нефт ва газ конлари геологияси: кафедра мудири, доцент — 1, ассистент — 1.

### МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

1. Машинасозлик технологияси кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, катта ўқитувчи — 1.
2. Ер усти транспорт тизимлари кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
3. Хизмат курсатиш техникаси кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.

4. Энергия машинасозлиги ва касб таълими кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, катта ўқитувчи — 2.
5. Чизма геометрия ва компьютер графикаси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 2, ассистент — 2.
6. Олий математика: доцент — 2, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 2.

### МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Материалшунослик кафедраси: доцент — 1.
2. Металларга босим билан ишлов бериш: катта ўқитувчи — 1.
3. Куймакорлик технологиялари кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
4. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: кафедра мудири.
5. Назарий механика ва машина ва механизмлар назарийси кафедраси: доцент — 1, ассистент — 1.
6. Материаллар қаршилиги ва машина деталлари кафедраси: кафедра мудири.
7. Умумий физика кафедраси: профессор — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.

### ФАКУЛЬТЕТЛАРА УМУМТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ

1. Педагогика ва психология кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1.
2. Жисмоний тарбия кафедраси: ассистент — 2.
3. Чет тиллар кафедраси: ўқитувчи — 7.
4. Тиллар кафедраси (Ўзбек ва рус): катта ўқитувчи — 2.
5. Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси: катта ўқитувчи — 2.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни хисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширадилар. Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур университетда ишловчи шахслар кафедраларда хисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетиининг бош биноси, 418, 211-хоналар.  
Телефонлар: 71-246-45-00, 71-246-81-42, 71-246-61-17.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245, 71 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Техририятга келган қўбизмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.  
Газетанинг эътибор берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида тервалди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатида чоп этилишига "Шарқ" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиёв,  
Навбатчи — М. Каримова,  
Мусоҳиҳчи — С. Исломов.

"Шарқ" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.25 2 3 4 5 6